

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҒАЛЛАОРОЛ ИЛМИЙ-ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ**

**МАМАТКУЛОВ ИКРОМ ШАВКАТОВИЧ**

**СУҒОРИЛАДИГАН МАЙДОНЛАР УЧУН ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ  
НОНБОПЛИГИ ЮҚОРИ БЎЛГАН БОШЛАНҒИЧ МАНБАЛАРИНИ  
ЯРАТИШ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШЕНТ 2021**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

**Маматкулов Икром Шавкатович**

Суғориладиган майдонлар учун юмшоқ буғдойнинг нонбоплиги юқори бўлган бошланғич манбаларини яратиш .....3

**Маматкулов Икром Шавкатович**

Создание первичных материалов мягкой пшеницы с высоким хлебопекарным качеством для орошаемых условий .....21

**Mamatkulov Ikrom Shavkatovich**

Creation of primary soft wheat materials with high baking qualities for irrigated conditions.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҒАЛЛАОРОЛ ИЛМИЙ-ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ**

**МАМАТКУЛОВ ИКРОМ ШАВКАТОВИЧ**

**СУҒОРИЛАДИГАН МАЙДОНЛАР УЧУН ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ  
НОНБОПЛИГИ ЮҚОРИ БЎЛГАН БОШЛАНҒИЧ МАНБАЛАРИНИ  
ЯРАТИШ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШЕНТ 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2019.1.PhD/Qx371 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бабоев Саидмурат Кимсанбоевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рашидова Дилбар Каримовна**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

**Зиядуллаев Зоҳиджон Файзуллаевич**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

**Етақчи ташкилот:**

**Тошкент Давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111218, Тошкент, Унверситет кўчаси, 1-уй, Тел.: (+99871) 150-62-78; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: [пахтауз@mail.ru](mailto:пахтауз@mail.ru). Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Бош биноси, 3-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг кутубхонасида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Манзил: 111218, Тошкент Унверситет кўчаси, 1-уй, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти кутубхонаси. Тел.: (+99897) 746-47-60

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**А.Э.Равшанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., к.и.х.

**А.Ё.Курбонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.д., к.и.х.

**А.Б.Амантурдиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д., к.и.х.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё қишлоқ хўжалигида буғдой энг муҳим бошоқли дон экинларидан бири бўлиб, у озиқ-овқат, ем, уруғ ва саноат мақсадларида фойдаланиладиган иқтисодий экин ҳисобланади. «ФАО халқаро ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича етиштирилаётган буғдой дони 766 млн тоннани ташкил этади. Шундан 19 фоизи Хитой, 14 фоизи Ҳиндистон, 6 фоизи Францияга тўғри келади»<sup>1</sup>. Ер юзида аҳоли сонининг ўсиши, суғориладиган экин майдонларини қисқариб бораётганлиги, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши тез суьратларда ошиб бораётган талабни қондира олмаяпти. Келгуси ўн йилликларда буғдой ҳосилдорлигини ошириш ҳозирги қишлоқ хўжалигининг энг муҳим мақсадларидан бири бўлиб, келажак авлоднинг истеъмол эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Буғдой ҳосилдорлигини ошириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимларини такомиллаштириш ва янги технологияларни жорий этиш, яхшиланган буғдой навларини яратиш ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Дунёдаги селекционер олимлар томонидан аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда бошоқли дон экинлари, жумладан юмшоқ буғдой ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш ҳамда нонбоплигини яхшилаш бўйича селекция ишлари жадал олиб борилмоқда. Бу борада интенсив типдаги турли биотик ва абиотик омилларга чидамли бўлган навларни танлашда СИММИТ ва ИКАРДА Халқаро ташкилотлари коллекция намуналаридан фойдаланиш, географик узоқ шаклларни чатиштириш, белгиларнинг ирсийланиш даражасини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Анъанавий буғдой селекциясининг асосий мақсади турли агроэкологик шароитларда ўсиши ва ривожланиши мумкин бўлган навларни яратишдан иборат. Глобал иқлим ўзгариши шароитида муҳим белгиларни назорат қилувчи керакли генлар - QTL (миқдорий белгилар локуслари) бўлган генотипларни танлаш устида тадқиқотлар олиб бориш зарурияти юзага келмоқда.

Республикамизда ишлаб чиқаришга интенсив ва инновацион ишланмаларни жорий қилган ҳолда экинларнинг янги навларини яратиш ва уларнинг ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш»<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, юртимиз олимлари томонидан маҳаллий буғдой навларини яратиш ва ҳосилдорлигини оширишда муайян ютуқларга

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармон.

эришилмоқда. Республика тупроқ-иқлим шароитларига мослашган янги навларини яратишда буғдойнинг жаҳон коллекцияси намуналарини турли тупроқ-иқлим шароитларида синаш орқали иссиқлик ва қурғоқчиликка ҳамда занг касалликларига бардошли бўлган истиқболли тизмалар ажратиб олинган. Бироқ, янги яратилган ва четдан интродукция қилинган навларнинг нонбоплик сифат даражасини яхшилаш бўйича изланишлар етарли даражада олиб борилмаган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, коллекция намуналарини танлашда кластер усулини қўллаш, ўзгарувчан иқлим шароитларининг таъсирини аниқлаш, қимматли хўжалик белгилари билан сифат кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик қонуниятларини аниқлаш орқали комплекс қимматли хўжалик мажмуига эга юмшоқ буғдой навларини яратиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сон “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида” ги Фармонлари, 2018 йил 27 ноябрдаги 959-сон “Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Суғориладиган майдонларда нонбоплиги юқори бўлган янги селекцион ашёларни яратиш бўйича СИММИТ (маккажўхори ва буғдой навларини яхшилаш халқаро маркази) да N.Borlaug, S.Rajaram, A.P.Roelfs, H.Braun, R.Singh, Краснодар қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот институти, Австралиянинг Сидней университети Ўсимликлар селекцияси институтида илмий-изланишлар олиб борилган. Улар томонидан ҳар бир дурагай авлодлар генотипини ўрганиш, қимматли хўжалик белгилари бўйича танлаш ва дурагайлаш услуги самарадорлигини оширишда муайян ютуқларга эришилган.

Ўзбекистонда мазкур йўналишда дурагай авлодлар генотипи, хусусиятлари, қимматли-хўжалик белгилари бўйича танлаш ва дурагайлаш услуги самарадорлигини ошириш бўйича кенг қамровли ишлар А.Удачин, И.Шоахмедов, А.Аманов, Т.Ходжақулов, С.Ғайбуллаев, А. Ҳайитбоев, А. Нурбеков, С.Бабоев, Н.Умиров, Р.Сиддиқов, Х.Турақулов, О.Аманов ва бошқа олимлар томонидан СИММУТ-ICARDA халқаро илмий марказлари, Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти ҳамда Одесса селекция ва генетика ИТИ, Краснодар қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институти ва

И.Г.Калиненко номидаги Бутун Россия донли экинлар илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро ҳамкорликда республикамизда кузги буғдойнинг ҳосилдор янги навларини яратиш ва ота-она шаклларини танлаш ҳамда чатиштириш мақсадида илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бирок, жаҳон коллекцияси намуналарини маҳаллий шароитга мосланувчанлигини ўрганишда ўзгарувчан иқлим шароитларининг таъсирига ва янги яратилаётган буғдой навларининг нонбоплик сифат кўрсаткичларига етарли эътибор берилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси илмий тадқиқот режалари билан боғлиқ бўлиб, № ҚХ-А-ҚХ-2018-100 «Суғориладиган майдонлар учун юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг факультатив типдаги иссиқликка, касалликларга чидамли, дон сифати юқори бўлган серҳосил навларини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** юмшоқ буғдойнинг морфофизиологик белги ва хусусиятларига ирсий ва экологик омилларнинг таъсирини таҳлил қилиш асосида биотик ва абиотик омилларга бардошли, дон сифати ва нонбоплиги юқори бўлган бошланғич манбалар яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

суғориладиган майдонлар шароитида юмшоқ буғдой нав намуналарини морфофизиологик, қимматли хўжалик белги ва хусусиятларини баҳолаш;

серҳосил, юқори сифатли ва ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига бардошли бўлган эртапишар намуналарни танлаш ва улар асосида селекция жараёни учун бошланғич манбалар ажратиб олиш;

истикболли нав ва тизмалардан рақобат кўчатзорини ташкил қилиш ҳамда уларнинг иссиқликка ва шўрга бардошлилигини лаборатория шароитида аниқлаш;

рақобат кўчатзоридagi навларнинг қимматли хўжалик белгилари, ҳосилдорлик элементлари ҳамда нонбоплик кўрсаткичларини баҳолаш;

қимматли хўжалик белгилари ва нонбоплик кўрсаткичлари юқори бўлган тизмаларни ажратиб олиш ва навдорлик белгиларини таҳлил қилиш.

танлаб олинган тизмалар асосида юмшоқ буғдойнинг янги навини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида юмшоқ буғдойнинг *Triticum aestivum* турига мансуб 130 та жаҳон колекцияси материалларидан 21<sup>th</sup>, 22<sup>th</sup> ва 23<sup>th</sup> IWWYT-IR (суғориладиган майдонларда халқаро кузги буғдой ҳосилдорлигини синаш) кўчатзорлари, юмшоқ буғдойнинг Краснодар-99, Замин-1, Дурдона, Ғозғон, Семруғ, Истилол-20, Санзар-40 ва Қипчоқсув навлари ва № 29/2016, КП-83/2016, КП-52 /2017 ва КП-198/2017 тизмаларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** географик жиҳатдан келиб чиқиши турли минтакаларга мансуб бўлган коллекция нав намуналари ва тизмаларининг қимматли хўжалик белгилари, ташқи муҳит омилларига бардошлилик, эртапишарлик, нонбоплик сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (Тошкент 2007) номли методологик услубий қўлланма, буғдой селекциясининг классик усуллари, занг касаллиги ва иссиқликка бардошлиликни баҳолаш, фенологик кузатувлар “Бутуниттифок Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услуби” номли услубий қўлланма, гибридологик ҳамда генетик-селекцион статистика таҳлиллари эса ANOVA дастурида ёрдамида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор глобал иқлим ўзгариши кузги буғдойнинг онтогенезига таъсир этиши, жаҳон коллекция намуналарининг адаптация шароитида баҳордаги ҳаво ҳарорати ўртача ва намгарчилик кам бўлганда ҳамда ҳаво ҳарорати ўртача кўп йилликдан паст бўлганда униб чиқишдан бошоқлашгача бўлган даври 10-12 кунга кечикиши аниқланган.

жаҳон коллекцияси намуналарини танлаш жараёнида бир вақтнинг ўзида бир неча белгилар бўйича баҳоловчи кластер усулидан фойдаланилган ва 1000 дана дон вазни билан сифат кўрсаткичлари ўртасида ижобий корелляцион боғлиқлик мавжудлиги исботланган;

рақобот кўчатзорига киритилган намуналарнинг морфоҳўжалик белгиларининг статистик таҳлиллари ҳамда биотик ва абиотик омилларга бардошлилигини баҳолаш асосида юқори ҳосилли ва ноқулай омилларга бардошли бошланғич ашёлар ажратиб олинган;

жаҳон коллекциясидаги Seri.1\*2/3/Kauz/2/BOW/ /Kauz/4/BAGC/2002 дурагай комбинациядан яқка танлаш йўли билан аналитик селекция услуби ёрдамида нонбоплиги юқори бўлган юмшоқ буғдойнинг “Дўстлик-29” нави яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кузги юмшоқ буғдойнинг жаҳон коллекцияси намуналаридан республиканинг суғориладиган тупроқ-иқлим шароитга мослашган, тезпишар, ҳосилдор ва нонбоплиги юқори бўлган янги нав намуналари ажратиб олинган, уларни маҳаллий буғдой навлари билан дурагайлаш асосида қимматли дурагайлар олинган;

кузги буғдойнинг IWWYT-IR кўчатзорига кирган намуналар республиканинг суғориладиган майдонлар шароитида ҳосилдорликни белгиловчи қимматли хўжалик белгилари бўйича кластерларга ажратилган, бир вақтда бир неча ҳосилдорлик ва нонбоплик белгилари бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган бошланғич ашёлар ажратиб олинган;

рақобат кўчатзорига киритилган юқори ҳосилли нав намуналаридан сув танқислигига ва тупроқ шўрланишига, ҳамда экстремал иқлим шароитига



чидамли навлар ажратиб олинган ва Давлат нав синов марказига топширилган;

кузги юмшоқ буғдой намуналарининг қимматли-хўжалик белгиларини кластер тахлили асосида жаратиб олинган Seri.1\*2/3/Kauz/2/BOW/ /Kauz/4/BAGC/2002 дурагай комбинациясидан кўп қаррали якка танлаш услубида “Дўстлик-29” нави яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ўтказилган дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази томонидан олиб борилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, услубий жиҳатдан тўғрилиги, олинган назарий ҳамда амалий натижаларнинг бир бири билан ўзаро мос келиши, олинган маълумотларнинг статистик ишловлар орқали ишончлилик даражасининг исботланганлиги, тадқиқотларнинг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларга асосланганлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги ҳамда олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти интродукция қилинаётган коллекция материалларини баҳолашда иқлим шароитлари ва вегетация даврининг ҳосилдорлик билан, юмшоқ буғдойда нонбоплик сифат кўрсаткичларининг ўсимлик морфофизиологик белгилари билан корреляцион боғлиқлик даражасининг ўрганилганлиги, бу белгиларнинг ирсийланиш даражаси ва наслдан-наслга ўтиши коэффицентининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юмшоқ буғдойнинг суғориладиган майдонлар учун мос юқори сифатли ва ҳосилдор намуналари ажратиб олинганлиги, бу намуналарни маҳаллий навлар билан дурагайлаш асосида селекция жараёни учун муҳим бўлган бошланғич манбаларнинг ажратиб олинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Суғориладиган майдонлар учун юмшоқ буғдойнинг нонбоплиги юқори бўлган бошланғич манбаларини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

юмшоқ буғдойнинг нонбоплиги юқори бўлган ҳосилдор ва касалликларга чидамли “Дўстлик-29” нави яратилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 02/021-4597-сон маълумотномаси). Натижада ушбу навдан 2019 йилда 65,9 ц/га, 2020 йилда 70 ц/га ҳосил олиш имконини берган;

юмшоқ буғдойнинг “Дўстлик 29” нави Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги “Нодирбек асл олтин узумзори” фермер хўжалигида 12,0 гектар ва Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ғаллаорол илмий-тажриба станциясига 5,5 гектар майдонларида жорий қилинган

(Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 02/021-4597-сон маълумотномаси). Натижада ушбу навнинг юқори ҳосилдорлиги ҳисобига андоза навларга нисбатан 5,6-9,5 ц/га кўшимча ҳосил олинган ва рентабеллигини 29-41 фоизга ошириш имконини берган;

юмшоқ буғдойнинг “Дўстлик-29” нави Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти буғдой коллекцияси генофондига топширилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 02/021-4597-сон маълумотномаси). Натижада буғдой коллекцияси генофонди республика тупроқ-иқлим шароитига мослашган нонбоплиги юқори бўлган янги нав билан бойитилган;

Дўстлик-29 нави Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида кузги муддатларда экиш учун тавсия этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 02/021-4597-сон маълумотномаси) натижада кучсиз ва ўрта даражада шўрланган тупроқ-иқлим минтақаларида кузги буғдойдан юқори ҳосил етиштиришга замин яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, жумладан 4 та ҳалқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 5 таси республика ва 2 та хорижий журналда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 114 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган илмий тадқиқот ишларининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинган, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар, диссертация ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Юмшоқ буғдой селекцияси”** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси юзасидан республикаemiz, МДХ ва хорижий давлатлар олимларининг буғдой селекциясида бошланғич манбанинг роли, жаҳон буғдой коллекцияларини ўрганиш, юмшоқ буғдой селекцияси соҳасида бажарилган илмий ишлар, ҳосилдорликни оширишда навнинг роли, буғдой ҳосилдорлигига салбий таъсир этувчи стресс омиллар,

ётиб қолишга чидамли навларни яратишда калта пояли навларнинг яратилиши ва унинг самараси, юмшоқ буғдойда сифат кўрсаткичлари, буғдой донининг сифатини пасайтирувчи омиллар бўйича олинган маълумотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш шароити, объектлари ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тажрибалар олиб борилган жой ва унинг шароитлари, тадқиқотларда фойдаланилган намуналар, селекцион ва статистик усуллар тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг “Юмшоқ буғдойнинг халқаро коллекция материалларини баҳолаш” деб номланган учинчи бобида тадқиқотдан олинган натижалар таҳлил қилинган.

21<sup>th</sup> IWWYT-IR (суғориладиган майдонларда халқаро кузги буғдой ҳосилдорлигини синаш) кўчатзориди 40 та намуна уч қайтариқда экилган бўлиб, уларнинг униб чиқишдан тўлиқ бошоқлашгача бўлган даври ўртача 185 кунни ташкил этган. Назорат сифатида олинган маҳаллий буғдой Замин-1 навида бу кўрсаткич 185 кунга тенг бўлган. Таҳлил қилинган 40 та намунадан 16 та намуна назорат навидан 4-5 кун олдин бошоқлаган бўлса, 9 та намуна назоратга яқин, яъни 184-186 кунни ташкил этган. 15 та намунада эса назоратга нисбатан кечроқ бўлиб, уларда бу давр ўртача 190 кунни ташкил этган. Бошоқлаш дон тўлиқ пишишгача бўлган даври назорат сифатида олинган маҳаллий буғдой Замин-1 навида 36 кунни ташкил этган. Таҳлил қилинган 40 та намунадан 14 таси назоратга нисбатан 3-5 кун олдин пишган бўлса, 9 та намуна назоратга яқин, яъни 36-37 кунни ташкил этган. 15 та намунада эса назоратга нисбатан кечроқ бўлиб, уларда бу давр ўртача 40 кунни ташкил этган.

2019 йилда 22<sup>th</sup> IWWYT-IR яъни юқорида таҳлил қилинган кўчатзорнинг янги намуналари ўрганилган. Ўрганилаётган намуналарнинг униб чиқишдан тўлиқ бошоқлашгача бўлган даври ўртача 168 кунни, назорат Замин-1 навида 167 кунни, умумий назорат учун олинган Безостая ва Киначи 97 навлари 170 кунни ташкил этган. 40 та намунадан учтаси Замин-1 навидан 2-3 кун аввал бошоқлаган бўлса, 19 та намуна бу навдан 3-4 кунга кеч бошоқлагани, 17 та намунаси эса назоратга яқин, яъни 167-168 кунда тўлиқ бошоқлаган.

23<sup>th</sup> IWWYT-IR кўчатзориди ҳар бир қайтариқ 50 та намунадан иборат бўлган. 2020 йилда бу кўчатзор қулай муддатда октябр ойининг охириги ўн кунлигида тўлиқ ундириб олинишига қарамай баҳорнинг ноқулай келиши намуналарнинг бошоқлаш ва гуллаш даврининг узоқ давом этишига олиб келган. 2020 йилда бу намуналарнинг тўлиқ бошоқлаш ва гуллаш даври май ойининг 8-12 кунларига тўғри келган ва умумий олганда бу давр 190 кундан ортиқ бўлган.

Навнинг эртапишарлигини баҳолашда найчалаш фазасининг бошланиши ва тугаши муҳим аҳамиятга эга. Кузда ўсимлик тўлиқ униб чиққандан бошлаб ҳисоблаганда турли йилларда бир ҳил натижага эришиб бўлмайди. Бу бизнинг уч йиллик таҳлилларимизда ҳам аниқланди. Шу муносабат билан кузги буғдойда фенологик кузатувларда униб чиқиш, бошоқлаш фазаси кўп

холларда 1-январдан хисобланади. Бу навлар орасидаги фарқни тўлиқроқ аниқлаш имкониятини беради. 1-жадвалда ўрганилаётган кўчатзорлардаги намуналарнинг тезпишарлик белгиси 1-январдан бошлаб хисоблаганда қандай бўлиши кўрсатилган.

1-жадвал

IWWYT-IR кўчатзорида униб-чиқиш, бошоқлаш-пишиш даври

	Вегетация даври (кун) (1 январдан)	21 <sup>th</sup> IWWYT- IR (2018)	22 <sup>th</sup> IWWYT- IR (2019)	23 <sup>th</sup> IWWYT- IR (2020)
1 январдан-бошоқлашгача				
1	Тезпишар	(122) 16	(116) 4	(128) 13
2	Ўрта пишар	(125) 10	(118) 16	(130) 17
3	Кеч пишар	(128) 14	(120) 20	(132) 20
Бошоқлаш – тўлиқ пишиш				
1	Тезпишар (30-35)	14	5	11
2	Ўрта пишар (35-37)	15	33	19
3	Кеч пишар (37-40)	11	2	20

Апрел ва май ойлари ҳаво намгарчилиги ва ёғингарчилик кўп йиллик ўртача ёғингарчиликдан деярли икки баробар кам бўлган (54/90 мм) 2018 йилда 21<sup>th</sup> IWWYT-IR кўчатзоридан уч қайтариқда экилган 40 та намунанинг 1-январдан хисоблангандаги тўлиқ бошоқлаш даври ўртача 125 кунга тенг бўлган бўлса, булардан 16 та намуна ўртача кўрсаткичдан 2-3 кунга эрта ва 14 та намуна 2-3 кунга кеч бошоқлагани аниқланган. 2019 йилда март ва апрел ойларидаги ёғингарчилик кўп йиллик ўртачадан икки баробар кўп (271/117 мм) бўлишига қарамай апрел ойининг биринчи икки декадасида ҳавонинг иссиқ бўлиши натижасида намуналарнинг тўлиқ бошоқлашга бўлган даври ўртача 118 кунни ташкил этган (1-жадвал). Баҳор ноқулай келган, яъни 2019 йилга нисбатан ёғингарчилик бир ойга чўзилиб, март ойида кам, апрел ва май ойида кўп, ҳамда шу ойлардаги ҳаво ҳарорати кўп йилликдан икки баробар паст март ва апрел ойларида мос равишда 4,6/6,8 ва 9,4/14,1<sup>0</sup> бўлган 2020 йилда бу давр 10 кунга кечикиб, ўртача 130 кунни ташкил этди. Бу кўчатзорда эса нисбатан эрта бошоқлаган намуналар сони 13 та ва кечроқ бошоқлаган намуналар 20 тага тенг бўлганлиги кузатилган.

21<sup>th</sup> IWWYT-IR кўчатзоридаги намуналарда ўсимлик бўйи 90 см дан 115 смгача бўлиб, ўртача поя узунлиги 98,6±1,3 см ни ташкил этган ҳолда вариация кўрсаткичининг V%=8,55 бўлиши намуналар орасидаги вариация катта эмаслигини кўрсатади. Бу кўчатзордаги намуналар асосан калтапояли ва бир қисми ўрта бўйлилар гуруҳига кириши аниқланган. Ушбу кўрсаткич бўйича 2019 йилдаги 22<sup>th</sup> IWWYT-IR кўчатзорида 99,6±1,4 см га тенг бўлиб, олдинги кўчатзордаги намуналарнинг ўртача кўрсаткичидан 1 см га фарқ қилади. Шу билан бирга вариация қаторида 80 см дан 120 смгача бўлган ўсимликларни ташкил этиб стандарт оғиш 8,8 га тенг бўлиши бу кўчатзордаги ўсимликларни ҳам катта қисми калта поялилар гуруҳига киришини кўрсатган. Ўсимлик бўйи кўрсаткичлари бўйича 2020 йилдаги

маълумотлар 23<sup>th</sup> IWWYT-IR поя узунлигининг камайишига олиб келганлиги кўриш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

### IWWYT-IR- ўсимлик бўйи ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари

Йиллар ва кўчатзор	Ўсимлик бўйи			δ	V%
	min	max	X±Sx		
2018 (21 <sup>th</sup> IWWYT-IR)	90	115	98,6±1,3	8,44	8,55
2019 (22 <sup>th</sup> IWWYT-IR)	80	120	99,6±1,4	8,8	8,8
2020 (23 <sup>th</sup> IWWYT-IR)	75	105	88,5±0,9	6,8	7,6
Ҳосилдорлиги, г/м <sup>2</sup>					
2018 (21 <sup>th</sup> IWWYT-IR)	380	760	570±1,0	0,8	13,9
2019 (22 <sup>th</sup> IWWYT-IR)	440	720	570±0,9	0,5	10
2020 (23 <sup>th</sup> IWWYT-IR)	414	680	510±1,0	0,7	13,9
1000 дона дон вази					
2018 (21 <sup>th</sup> IWWYT-IR)	38,3	43,1	41,1±0,1	1	2,4
2019 (22 <sup>th</sup> IWWYT-IR)	41,1	43,5	41,1±0,2	1,5	3,6
2020 (23 <sup>th</sup> IWWYT-IR)	38,2	43,1	40,8±0,1	1,2	3


Бунда ўртача поя узунлиги 88,5±0,9 см ни ташкил қилиб, олдинги икки йиллик кўрсаткичлардан деярли 10 см га паст эканлиги кузатилган.

Биринчи икки йилда ўртача ҳосилдорлик ҳар икки кўчатзорда ўртача 570±10,0 г/м<sup>2</sup> ташкил этган, 2020 йилдаги ҳосилдорлик кўрсаткичи ўртача 510±10,0 г/м<sup>2</sup> га тенг бўлган.

2018 йилги таҳлил қилинган 40 та намунадан 14 тасида ҳосилдорлик ўртача кўрсаткичдан юқори бўлиб, 600 -760 г/м<sup>2</sup> бўлган намуналар учради, 8 та намунада ўртачадан анча паст, яъни 380 – 500 г/м<sup>2</sup> гача, қолган намуналарда эса ўртачага яқин кўрсаткичга эга бўлган. 2019 йилиги кўрсаткичлар ҳам шунга яқин бўлди. 2020 йилда ушбу кўчатзорга 50 та намуна киритилган бўлиб, ҳосилдорлик 414 дан 680 г/м<sup>2</sup> гача бўлган бўлса, назорат сифатида олинган маҳаллий Замин-1 навида ўртача ҳосилдорлик 580 граммни ташкил этган. Бу ўртача ҳосилдорликдан 70 г/м<sup>2</sup> га юқори бўлган. Таҳлил қилинган 50 та намунадан 7 тасида назоратдан юқори, яъни 600 г/м<sup>2</sup> дан юқори бўлганлиги кузатилган ва бу намуналар ҳосилдор намуналар сифатида ажратиб олинган.

Таҳлил қилинган кўчатзорлардаги намуналарнинг ўсимлик бўйи ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича кластер таҳлили ўтказилган. Бу таҳлилга кўра 2018 йилги 21<sup>th</sup> IWWYT-IR намуналарнинг кластер таҳлили бўйича намуналар тўрта кластерга бўлинди. Бунда энг катта биринчи кластерга кирган 14 та намуна ўсимлик бўйи (ўртача 105,4) ва дон ҳосилдорлиги (ўртача 632,4) бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган намуналардан ташкил топди. Иккинчи кластерга 10 та намуна бирлашган бўлиб, булар ўсимлик бўйи ва дон ҳосилдорлиги бўйича биринчи гуруҳдан паст бўлган намуналар киритилган. Учинчи кластерга ўсимлик бўйи бўйича бир ҳил 90 ва 95 см ли намуналар киритилган бўлиб, буларнинг ўртача дон ҳосилдорлиги

энг паст бўлган (516,8 г/м<sup>2</sup>) намуналар киритилган. Тўртинчи кластерга кирган намуналарнинг ўсимлик бўйи битта намунадан ташқари барчасида 90 см бўлсада 1000 дон дон оғирлиги бошқа учта кластерга кирган намуналарга нисбатан юқори бўлиб 41,8 дан 42,7 г гачани ташкил этган.



1 расм. 21<sup>th</sup> IWWYT-IR намуналарнинг кластер таҳлили бўйича тузилган дендрограмма

Бу таҳлил компьютер дастурида бажарилган Дендрограмма натижасидан келиб чиққан (1-расм).

Об-ҳаво нисбатан қулай келган 2019 йилдаги 22<sup>th</sup> IWWYT-IR намуналарнинг кластер таҳлили ўрганилган намуналарни 6 та кластерга ажратди. Бу таҳлилда биринчи кластерга ўсимлик бўйи энг юқори бўлган 5 та намуналар киритилган бўлиб, уларда ўсимлик бўйи ўртача 110 см ни, дон ҳосилдорлиги 559,2 г/м<sup>2</sup> ни, 1000 дон дон оғирлиги 41,5 грамни ташкил этган. Иккинчи ва учинчи кластерларга мос равишда 6 та ва 7 та намуна киритилган бўлиб, уларнинг ўртача ўсимлик бўйи 100 см ни ташкил этиб, бир см га фарқ қилади, дон ҳосилдорлиги бўйича эса иккинчи кластерга киритилган намуналар энг паст кўрсаткичга эга. Тўртинчи кластерга энг паст бўйли намуналар киритилган уларнинг бўйи асосан 80-90 см ни ташкил этади ва кўпроқ иккита Rth2 генига эга бўлган калта (ярим карлик) бўйли ўсимликлардан иборат. Бешинчи кластерга асосан дон ҳосилдорлиги энг юқори бўлган намуналар киритилган.

2019-2020 тадқиқот йилида ўрганилган 23<sup>th</sup> IWWYT-IR кўчатзори 50 та намунадан иборат бўлиб, 2020 йилдаги баҳордаги ҳаво ҳароратининг паст бўлиши бошоқлаш фазасининг кечикиб кетишига ва дон ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатганлиги аниқланган.

Ушбу кўчатзорга киритилган кузги буғдой намуналарининг ўрганилган белгилар бўйича кластер таҳлили ўтказилганда намуналар 5 та кластерга бўлинган. 23<sup>th</sup> IWWYT-IR намуналарнинг хўл клейковина миқдори ва ИДК (клейковинанинг деформация коэффиценти) таҳлил қилинганда ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича биринчи кластерга киритилган 8 та

намунадан 5 тасида хўл клейковина миқдори 30 % дан юқори кўрсаткичга эга бўлган.

3-жадвал

22<sup>th</sup> ва 23<sup>th</sup> IWWYT-IR намуналарнинг кластер таҳлили бўйича ўртача кўрсаткичлар.

Кластерлар рақами	Намуналар сони	Ўсимлик бўйи, см	Ҳосилдорлиги, г/м <sup>2</sup>	1000 дон дон вазни, г
22 <sup>th</sup> - IWWYT-IR намуналари				
1	5	110	559,2	41,48
2	6	99,2	536,2	41,4
3	7	100,7	589,6	42,7
4	5	86	570	41,6
5	7	97,1	669,9	41,7
6	8	103,7	519	39,6
23 <sup>th</sup> -IWWYT-IR намуналари				
1	8	96,9	442,3	40,8
2	7	89,3	450,9	39,2
3	8	80,6	459,5	39,5
4	14	90,7	596,1	41,3
5	13	85,4	528,5	42,1

Ушбу намуналардан фақат биттасида ИДК кўрсаткичи паст бўлиб, кониқарли қаттиқ деб баҳоланган бўлса, қолган 4 тасида ИДК кўрсаткичлари бўйича 1-синфга мансуб бўлиб, нонбоплик сифати бўйича яхши деб баҳоланди. Қолган кластерлардан 2 кластерда 5 та, 3 кластерда 4 та, 4-кластерда 3 та ва 5-кластерда 8 та, жами 24 та, яъни таҳлил қилинган 50 та намунадан ярмида хўл клейковина миқдори ва ИДК кўрсаткичлари бўйича яхши кўрсаткичлар қайд қилинган. Бу намуналар селекция жараёнига нонбоплик сифат кўрсаткичлари бўйича донор сифатида таклиф этилган.

**“Юмшоқ буғдой навларини дурагайлаш ва қимматли-хўжалик белгилари бўйича ирсийланиши”** деб номланган тўртинчи бобда коллекция намуналаридан ҳамда лабораторияда мавжуд бўлган истиқболли нав ва тизмалар орасида ўтказилган дурагайлаш натижаларининг гибридологик таҳлиллари келтирилган.

Биринчи авлод дурагай ўсимликларда Ўсимлик бўйи ва бошоқдаги бошоқчалар сони асосан ўта доминант ҳолда, бир бошоқдаги дон сони белгиси доминант ва ўта доминант ҳолда ирсийланганлиги кузатилган бўлса, F<sub>2</sub> ўсимликларда эса гетерозис ҳолати умуман сақланиб қолмаганлиги, баъзи дурагай комбинацияларда иккинчи авлодда ўртача дон сони ота-она шакллардагига нисбатан ҳам паст бўлганлиги кузатилган. Бир бошоқдаги дон оғирлиги 2-2,7 грамм атрофида бўлиб, бу белги бўйича F<sub>1</sub> ўсимликларда ўта доминант ҳолда ирсийланиш ёки кучли гетерозис ҳолатлари қайд қилинган.

Диссертациянинг бешинчи боби “**Танлаб олинган намуналар ва истиқболли навларни рақобат кўчатзорида баҳолаш**” деб номланиб, бу бобда рақобат кўчатзорига киритилган 20 та нав ва намуналар лаборатория ва дала шароитида иссиқликка ва шўрга бардошлилиги, фенологик ва хосилдорлик кўрсаткичларининг статистик таҳлиллари келтирилган.

Юмшоқ буғдойнинг қурғоқчиликка чидамлилигини билдирувчи муҳим физиологик белгилардан уруғ униши, илдизчалар сони, узунлиги ва колеоптил узунлиги назорат ва сахароза эритмасида ундирилиб, ўсимликнинг ривожланиши лаборатория шароитида таҳлил қилинганда назорат сифатида олинган Замин-1 навида оддий шароитда уруғнинг унувчанлиги уч йиллик ўртача кўрсаткичи 96,4% ни ташкил этган бўлса, 1,5% ли сахароза эритмасида унувчанлиги 53,3% ни ташкил этган. Краснодар-99 навида эса бу кўрсаткич мос равишда 94,3 ва 62,3 фоизни кўрсатган.

Колеоптил бу шакли ўзгарган барг бўлиб, ўсимлик униб чиқиш вақтида ташқи ноқулай омиллардан сақлаш вазифасини бажаради. Ушбу рақобат кўчатзорига киритилган нав ва намуналарнинг катта қисми оддий шароитда узунколептилли навлар (6 смдан юқори) гуруҳига кирсада 1% ли сахароза эритмасида 2 баробаргача камайганлиги кузатилди. Оддий шароитда энг юқори кўрсаткичга эга бўлган Краснодар-99 навида (6,6 см) тажриба вариантыда 2,9 см ни ташкил этгани, оддий шароитда колеоптил узунлиги 7 см бўлган Ғозғон навида эса 2,6 смга тушганлиги кузатилди. Тадқиқот йилларида ушбу эритмада колеоптил узунлиги жиҳатидан андоза Замин-1 навида (3,6 см) нисбатан 21<sup>th</sup> IWWYT-IR 9827, 21<sup>th</sup> IWWYT-IR 9805, 21<sup>th</sup> IWWYT-IR 9806, 21<sup>th</sup> IWWYT-IR 9819, 21<sup>th</sup> IWWYT-IR 9809, № 198/2017 тизмаларида 1,2 см дан 2,8 см гача узунлиги аниқланиб, бу кўрсаткич бўйича энг юқорилари 21<sup>th</sup> IWWYT-IR 9805, 21<sup>th</sup> IWWYT-IR 9806 тизмаларида 2,4-2,8 см узунлиги аниқланган.

Бошоқли дон экинларида поянинг биринчи ва охириги бўғин оралиқлари қисқа ёки узунлиги иссиқликка бардошлигини аниқлашда муҳим рол ўйнайди. 2018-2020 йиллардаги тадқиқот натижаларга кўра, юқори бўғим оралиғи узунлиги тадқиқот йилларида 23,7 см дан, энг юқориси 30,5 см гача, андоза «Замин-1» навида ўртача 25,7 см ни ташкил этди. Навлар бўйича ўртача Замин-1 ва Краснодар-99, 21<sup>th</sup> IWWYT-IR 9809, (23,5 -25,7 см) нав ва тизмаларидан ташқари барча нав ва тизмаларда бўғин оралиқларининг 1,1 см дан 7,2 см гача узун эканлиги аниқланган.

Лаборатория шароитида 1% ли NaCl эритмасида шўрга бардошлилигини билдирувчи муҳим физиологик белгилардан уруғ униш, илдизчалар сони, узунлиги ва колеоптил узунлиги таҳлил қилинган. 2018-2020 йиллар тадқиқот натижаларига кўра оддий эритмасиз шароитда дон уруғларнинг униб чиқиши 95 % дан 98,3 % ни, шўрга чидамлилиги бўйича 1% ли NaCl эритмасида буғдой уруғларининг униб чиқиши 53,3 % дан, 96 % гача бўлганлиги аниқланди. Андоза Замин-1 навида ўртача уч йилликда 53,3 % ни ташкил этди. Андоза Замин-1 навида нисбатан Семуруғ, Санзар-40, Қипчоқсув, КП № 183/2017, № 29/2016, № 83/2016, 21<sup>th</sup> IWWYT-IR 9827, 21<sup>th</sup>



IWWYT-IR 9833, 21<sup>th</sup> IWWYT-IR 9805, 21<sup>th</sup> IWWYT-IR 9806, 21<sup>th</sup> IWWYT-IR 9819, КП № 153/2017, 21<sup>th</sup> IWWYT-IR 9809, КП № 198/2017 нав ва тизмалари 1% ли NaCl эритмасида 36,7-42,7 % юқори унвчанликка эга бўлган.

Дала шароитида рақобат кўчатзоридаги навларда фенологик кузатувлар, бошоқлаш ва мум пишиш фазалари, маҳсулдор тупланиши, ўсимлик бўйи, 1000 дона дон вазни, дон ҳажми кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра нав ва тизмаларда ўртача ўсимлик бўйи 2018 йилда 97,6 см ни, 2019 йилда 96,7 см ни, 2020 йилда 96,6 см ни ташкил этди, бу кўрсаткич андоза «Замин-1» навида ўртача 95,7 см ни, Дурдона, Ғозгон, Семуруғ, № 83/2016, 21<sup>th</sup> IWWYT-IR 9827, 21<sup>th</sup> IWWYT-IR 9833, КП 84/2017 нав ва тизмалари 5,6 см дан 10,1 см гача узун эканлиги аниқланган.

